

Evropa  
Tiklanish va Taraqqiyot  
Banki

# ХУШ КЕЛИБСИЗ, АЗИЗ МЕҲМОНЛАР! WELCOME!

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# ЎЗБЕКИСТОН




# OVOZI

IJTIMOY-  
SIYOSIY  
GAZETA

■ 2003-ЙИЛ ■ 3-МАЙ ■ ШАНБА ■ 55 (27.075) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-йил 21-йундан чиқа бoshлаган.

## Ҳамкорликнинг юксак босқичи



**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 2 май куни Оксаройда Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банки (ЕТБ) президенти Жан Лемьери қабул қилди.**

Ўзбекистоннинг ЕТБ билан ҳамкорлиги вақт синовидан ўтган. Банк илк бор 1993 йилда Ўзбекистондаги лойиҳани молиялаштирган эди. Ўтган даврда мамлакатимиз ЕТБ стратегиясида устувор ҳисобланган Марказий Осиё минта-

қаси учун ажратиладиган кредитларни тақсимлаш борасида унинг энг яқин шеригига айланди. Бугунга қадар ЕТБ иштирокида Ўзбекистонда умумий қиймати 1,4 миллиард АҚШ долларига тенг 20 лойиҳа

амалга оширилди. Бунда банкнинг ҳиссаси 723,8 миллион долларни ташкил этади. Айти пайтда жами қиймати 320 миллион долларлик яна 8 лойиҳа ишланмоқда. Бошқа мамлакатлардаги каби Ўзбекистонда ҳам ЕТБ хусусий секторни қўллаб-

қувватлаш ва кенгайтириш, кичик ва ўрта бизнес лойиҳалари учун кредит бериш, бозор инфратузилмаларини ривожлантириш, экология масалаларига алоҳида эътибор қаратади.

Шу кунларда эса Тошкентга ўнлаб мамлакатлардан ҳукумат делегациялари, молиячилар, ишбилармонлар, банкирлар, сиёсатчилар келмоқда. ЕТБ Бошқарувчилар кенгашининг навбатдаги йиллик мажлиси 4-5 май кунлари Ўзбекистон пойтахтида бўлиб ўтади.

Президент Ислам Каримов ушбу воқеа ЕТБнинг Ўзбекистонга ишончи мустаҳкамлигидан, банкка қатъиятли шахс раҳбарлик қилаётганидан далолат эканлигини таъкидлади. Ушбу йирик анжуманининг Тошкентда ўтиши, унга ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрилгани эса ўзаро ҳамкорлик юксак даражада ривожланиб бораётганидан дарак беради.

Учрашувда мазкур анжуманга ҳамда Ўзбекистон билан ЕТБнинг ҳамкорлигини янада кенгайтириш имкониятларига оид масалалар муҳокама қилинди.

Суратда: қабул пайти. Абдувоҳид Тўраев (ЎЗА) олган сурат

## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

### Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ҳуқуқий Ҳимоя қилишни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

«Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни Ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ва республикага тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун янада қулай шарт-шароитларни таъминлаш, хорижий инвестицияларни ишончли ҳуқуқий Ҳимоя қилишнинг амалий механизмини барпо этиш, мана шу асосда мамлакатдаги инвестиция муҳитини янада яхшилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига хорижий инвесторларни ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқлари бузилиши ҳоллари аниқланган ҳолларда, шунингдек адлия органларининг қонуний талаблари мансабдор шахслар томонидан бажарилмаган тақдирда айбдор мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисидаги масалаларни тегишли органлар олдида қўйиш;

хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқларини бузётган назорат қилувчи ҳамда маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг ҳаракати ёки қарорларини тўхтатиб қўйиш;

жиноий, фуқаролик, ҳўжалик ва маъмурий ишлар бўйича хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқлари ва қонуний маффаатларини бузувчи суд ҳўжатларини давлат божи тўламасдан қайта кўриб чиқиш тўғрисида суд инстанцияларига таклифлар билан мурожаат қилиш;

дан хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқлари бузилиши ҳоллари аниқланган ҳолларда, шунингдек адлия органларининг қонуний талаблари мансабдор шахслар томонидан бажарилмаган тақдирда айбдор мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисидаги масалаларни тегишли органлар олдида қўйиш;

хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқлари бузётган назорат қилувчи ҳамда маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг ҳаракати ёки қарорларини тўхтатиб қўйиш;

жиноий, фуқаролик, ҳўжалик ва маъмурий ишлар бўйича хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқлари ва қонуний маффаатларини бузувчи суд ҳўжатларини давлат божи тўламасдан қайта кўриб чиқиш тўғрисида суд инстанцияларига таклифлар билан мурожаат қилиш;

хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ўз ҳуқуқлари ва қонуний маффаатлари бузилиши тўғрисидаги мурожаатларини текшириш учун тегишли мутахассисларни жалб этиш.

Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқларини Ҳимоя қилишни таъминлашга доир қарорлари вазирликлар, идоралар, ҳўжалик бирлашмалари, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳўкимликлари томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тузилмасида штатдаги ходимлар сони 10 нафар бўлган Хорижий инвестициялар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий Ҳимоя қилиш бошқармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларида эса — тегишли бўлимлар ташкил этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Хорижий инвестициялар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий Ҳимоя қилиш бошқармаси ва тегишли бўлимларнинг жорий таъминотини молиялаштиришни назарда тутсин.

(Давоми 3-бетда.)

## Жиззахда маънавият кунлари

(ЎЗА муҳбири Тошқул Бекназар). Жиззах вилоятида мамлакатимиз мустақиллигининг ўн икки йиллигига бағишланган Маънавият кунлари бошланди. Ушбу тадбирда мамлакатимизнинг адабиёт ва санъат намояндalари, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар «Маънавият ва маърифат» марказларининг маъсул котиблари иштирок этмоқда. Маънавият кунлари дастури доирасида «Мустақиллик ва миллий ғоя» мавзусида анжуман бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққанлар Президентимиз Ислам Каримовнинг иккинчи чақи-

риқ Олий Мажлиси ўн биринчи сессиясидаги маърузасида белгилаб берилган долзарб вазифалардан келиб чиқиб, маънавий-маърифий ишлари янада жонлантириш лозимлигини таъкидлади.

Анжуман қатнашчилари Жиззах транспорт ва алоқа коллежиде, Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртида ҳам қизиқарли учрашувлар ўтказди.

Тадбирларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг ўринбосари А.Мелибоев иштирок этди.

## Жамоатчилик — ЕТБнинг Тошкентдаги анжумани тўғрисида

Ўзбекистон барқарор, изчил, самарали иқтисодий-иқтисодий сиёсати тўғрисида, шу жумладан, халқаро иқтисодий уюшмалар доирасида ҳамкорликни чуқурлаштириш орқали жаҳон ҳамжамиятининг ишончини қозонди. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳўжалик муносабатларига интеграциясини таъминлашда Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банки каби нуфузли молиявий ташкилот ҳам катта ёрдам бермоқда. Бу йил ЕТБ Бошқарувчилар кенгашининг йиллик мажлиси Тошкентда ўтказилаётгани мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ўзгаришларнинг яққол далилидир. Бу халқаро анжуман орқали Ўзбекистон бутун дунёга ўзининг улкан инвестициявий салоҳиятини яна бир бор намойиш этади.

Анжуман арасида «Иқтисодий фикр» жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази қарийб 2,5 миллион киши яшайдиган Ўзбекистон пойтахти аҳолиси ўртасида тезкор сўров ўтказди. Сўров тошкентликларнинг республика ҳаётидаги иқтисодий-сиёсий воқеалардан яхши хабардор эканлигини кўрсатди. «ЕТБ Бошқарувчилар кенгашининг мажлисида қандай масалалар муҳокама қилиниши биласизми?» деган саволга сўралганларнинг аксарияти бундан хабардор эканлигини айтган. Қуйидаги жавоблар олинди: 21,6 фоиз сўралганлар яхши хабардор, 68,4 фоиз одамлар умуман хабардор.

Тошкентликлар ЕТБ Бошқарувчиларининг йиллик мажлисидан нималар кутмоқда? Сўралганларнинг ҳар учинчиси фикрича, бу анжуман тўғрисида Ўзбекистоннинг ЕТБ, унинг аъзолари бўлган давлатлар билан алоқалари кенгайтириш ва мустаҳкамланиши. Яна шунча сўралганлар республикага келаётган хорижий инвестициялар оқими орттишига ва бу ўз навбатида мамлакатда иқтисодий-иқтисодий ўзгаришлар суръатларини жаддаллаштириш имконини беришига умид қилади. Сўровда иштирок этганларнинг 18,3 фоизи фикрича, республикада тадбиркорлик муҳити яхшиланади, кичик ва ўрта бизнеснинг оёқга туриши учун янги туртки берилади. Сўралганлар бундай муҳим тадбирнинг Тошкентда ўтказилиши мамлакатимизнинг жаҳондаги обрўсини оширишнинг қайд этишмоқда. Пойтахт аҳолисининг кўпчилиги (93,4 фоиз) ЕТБ мажлиси у ёки бу даражада республиканинг иқтисодий, иқтисодий ва молиявий аҳолини яхшилашга хизмат қилади, деган фикрда.

Тошкентда ЕТБ Бошқарувчилар кенгаши йиллик мажлиси ўтказилишининг ўзи, аксарият тошкентликларнинг фикрича, давлатимиз раҳбари ва умуман Ўзбекистоннинг халқаро майдонда обрўси юқорилиги ҳамда ЕТБ ва иштирокчи мамлакатларнинг юртимизга қизиқиши ортиб бораётганидан далолат беради.

«Иқтисодий фикр» маркази материаллари асосида ЎЗА муҳбири А.Иванова тайёрлади.

Кеча пойтахтимизнинг мухташам «Интерконтиненталь — Тошкент» меҳмонхонаси эрта тонгданоқ гавжум бўлди. ЕТБ — Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банки Бошқарувчилар кенгашининг XII йилгишига жаҳоннинг 60 дан зиёд мамлакатларидан ташриф буюрган меҳмонлар — давлатларнинг раҳбарлари, йирик халқаро банкларнинг намояндalари,

йили 15-17 апрел кунлари Лондонда ЕТБнинг биринчи йилгиши бўлди ва кейинги йиллик йилгилишларини ўтказишда ўзига хос аънава ўрнатилди: бир йили у банк қароргоҳи жойлашган Лондонда, кейинги йил Банк фаолият юритадиган бирор бошқа мамлакатда ўтказилишига келишилди ва шунга амал ҳам қилинди. Лекин 2003 йилда — бу аънава истисно тари-

## Меҳмонлар ташрифи: илк учрашувлар, таассуротлар

таниқли сиёсатдонлар, иқтисодчилар, салоҳиятли сармоядорлар, зукко мутахассислар, уздабурон бизнесменлар-у чаққон тадбиркорлар бу ерда рўйхатдан ўта бошлашди.

Эслатиб ўтайти: ЕТБ халқаро молиявий муассасани тузиш ҳақидаги битим 1990 йил 29 май куни Парижда имзоланган. Битим 1991 йилнинг 28 март куни қўчга кирди. Уша

қасида бузилди: йилгилишга, навбатга кўра, Лондон эмас, Ўзбекистон — Тошкент мезбонлик қиладиган бўлди. Нега?

Чунки, дунёда ҳар қандай йирик, нуфузли тадбирга мезбонлик қилиш ҳуқуқи кучли рақобат орқали қўлга киритилади. Олимпия ўйинлари, бошқа йирик спорт мусобақалари қатори молиявий соҳадаги катта тадбирлар ҳам шулар



жумласидан. Демак, навбатдаги йилгилишга Тошкентнинг мезбонлик қилаётгани, бу — Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузи ортиб бораётганидан.

2-бет

нидан, мамлакатимиздаги илохотлар халқаро жамоатчилик томонидан эътироф этилаётганидан ёрқин далолат.

✓ ЕТБнинг Тошкентда ўтадиган йиллик мажлиси иштирокчиларининг қамрови кенглиги, мартабали меҳмонлари билан ҳам алоҳида нуфуз касб этмоқда.

Бугун пойтахтимизда ўз ишини бошлайдиган бу улкан ажуманга икки минг нафардан зиёд меҳмонлар ташриф буюрган. Улар орасида 5 та мамлакат Президентлари, 6 давлатнинг Бош вазирлари, 34 нафар иқтисодий вазирлари, 22 нафар вазир ўринбосарлари, 600 дан зиёд бизнесмен, 125 та давлат ташкилотларининг раҳбарлари, 300 га яқин сармоядорлар бор.

Жаҳоннинг 59 та давлатидан келган 61 делегация таркиби дунё миқёсида тан олинган юзлаб банкирлар, кўзга кўринган иқтисодчилар, мутахассислар, тадбиркорлардан иборат.

## Олий Мажлисда

ТОШКЕНТ. (ЎЗА муҳбири Турсунбой БОТИРБЕКОВ). Олий Мажлис Матбуот ва ахборот қўмитасининг йилгиши бўлиб ўтди. Унда «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонуннинг Сирдарё вилоятидаги ижроси муҳокама этилди.

Мазкур қўмита раиси У.Ҳошимов бошқарган йилгилишда вилоят ҳокимлиги ҳамда матбуот ва ахборот бошқармаси, оммавий ахборот воситалари таҳририятлари, туман, шаҳар босма хоналарининг жамоалари ўз фаолиятида номин эфир этилган Қонун ва бошқа қонун ҳўжатлари ижросини таъминлаш борасида муайян ишлари амалга ошираётгани таъкидланди. Оммавий ахборот воситалари материалларининг таъсирчанлигини ошириш масалаларига алоҳида аҳамият берилмоқда.

Вилоятда 27 номда газета ва 3 номда журнал рўйхатдан ўтказилган. Уларнинг саҳифаларида фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини кучайтириш ҳамда ҳозирги куннинг бошқа долзарб масалаларидаги материалларга кенг ўрин берилмоқда. Вилоят телевидениеси ва радиосининг дастурларида иқтисодий-иқтисодий, маънавий-маърифий, маданий ҳаётни ёритиш, илохотларни чуқурлаштиришга тўсқин бўлаётган ҳодисаларни таҳлил қилиш мақсадида ранг-баранг рўкнлар ташкил этилган.

Йилгилишда ушбу Қонун ижросини таъминлаш борасидаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

## ЕТБнинг 6 та лойиҳаси асосида

Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банкининг мамлакатимиз билан ўзаро иқтисодий алоқалари йилдан-йилга мустаҳкамланиб бормоқда. Банкининг Самарқанд вилоятига кўрсатётган молиявий кўмаги салрилицида ишлаб чиқарувчи «Гулбод» ҳўссасдорлик жамияти, мевани қайта ишлашга ихтисослашган «Лаззат» корхоналари иш олиб бормоқда.

Хўрсига етказилган. Хўзирги пайтда 10,8 млн. долларлик 5 та лойиҳа устида «Афросиёб», пайпоқ ишлаб чиқаришга мўлжалланган «Мунлайт» кўшма корхонаси, «Зармармар» корхонаси, бетонли черилицда ишлаб чиқарувчи «Гулбод» ҳўссасдорлик жамияти, мевани қайта ишлашга ихтисослашган «Лаззат» корхоналари иш олиб бормоқда.


Шўҳрат ҚАРШИЕВ

**ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ**



Нўзумжон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар

**БИЗНЕС БАНК**  
ЭНГ ЯХШИ АЪНАЛАРДА



Evropa  
Tiklanish va Taraqqiyot  
Banki

# ЕТБ ВА ЎЗБЕКИСТОН ҲАМКОРЛИГИ — ИҚТИСОДИЁТ РАВНАҚИ

● **ЕТБнинг умумий жамғармаси 20 миллиард еврони ташкил этади.**

● **ЕТБ бугунги кунда «Ўзбекистон — Интернейшнл» қўшма лизинг компанияси, «ЎЗДЭУ-банк» қўшма банки, «Косонсой — Текмен» қўшма корхонаси ва бошқа мутасаддилари иштирокида фаол қатнашмоқда.**

● **Республикамизда 89 та кичик ва ўрта бизнес корхонаси ЕТБнинг биринчи ва иккинчи кредит линиялари бўйича 155 миллион АҚШ доллари миқдорига молиялаштирилган.**

● **Бу кредит линиялари 100.000 дан 1.000.000 АҚШ долларигача миқдорда бўлиб, қарзни узиш муддати 5 йил. Унинг 2 йили имтиёзли.**

● **ЕТБ иштирокида амалга оширилган ва ижроси давом этган 20 та лойиҳанинг умумий қиймати 1,4 миллиард АҚШ долларига тенг.**

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Мана бу фактлар, рақамлар ва далилларга ҳам алоҳида эътибор беринг:

— Ўзбекистон ЕТБга мамлакатимиз Президенти Исом Каримов ташаббуси билан 1992 йилнинг апрелида аъзо бўлди;

— ЕТБ акциялари жаҳоннинг 60 мамлакати ва икки йirik халқаро ташкилот: Европа Ҳамжамияти ҳамда Европа сармоя Банки қўлида;

— Банкининг молиявий негизи 20 миллиард евро;

— Унинг «Шарққа йўналиш» номли стратегияси заминда нафақат «Шарқий блок» деб аталувчи Шарқий Европа мамлакатлари, балки Марказий Осиё ва Кавказorti Республикаларига ҳам катта молиявий ёрдам бериш, уларга сармоялар оқимини кучайтириб бориш режалари кўзда тутилган.

— Ўзбекистонда бугунгача ЕТБ иштирокида 7 та лойиҳа амалга оширилди, 13 та лойиҳа ижроси давом этмоқда. Уларнинг умумий қиймати 1,4 миллиард АҚШ доллари тенг. 320 миллион доллар ҳажмидаги яна 8 лойиҳа устида иш олиб борилапти.

... Биз меҳмонхонанинг меҳмонлар рўйхатдан ўтаётган биллур залидаммиз.



— Газетага меҳмонлардан интервью олмақчи эдик, — мақсадимизни айтдик расмий ходимларга.

— О кей! ЕТБ президенти жаноб Жан Лемьер ва Банк Бош қотиби вазифасини бажарувчи жаноб Нигел Картер оммавий ахборот воситалари учун олдиндан худди билгандек ўз фикр-мулоҳазаларини ёзиб беришган,

эришиш мумкин. Банкнимиз Бошқарувчилар Кенгашининг бу галги йиллик йиғилиши Марказий Осиёда, хусусан Тошкентда ўтказилишидан ният ҳам шу. Ишончим комилки, у ўзаро тушуниш ва очиққўнглилик руҳида ўтади.

Яна бир гап: ЕТБга аъзо бўлган Марказий Осиё давлатларида бозор иқтисодиғи ўтиш-

етиш катта-катта сармоялар оқимини кафолатлайди. Бу борада айтиш мумкинки, Ўзбекистон ташаббускорлик қилмоқда. Уйлайманки, у бу йилда бундан буюн ҳам байроқдор бўлиб қолади.

«Буюк Ипак йўли» кесишган минтақада илк бор ўтаётган йиғилишимиз — шаксиз, катта самара беради.

Бизнес марказлари ва банк мутасаддилари, шунингдек, ҳуқуқшунослар, мутахассислар, жумладан, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳам фаол қатнашадилар, деб ўйлайман. Ва яна умид қиламанки, Тошкентда ўтадиган халқаро анжуман тўғрисида, ЕТБ фаолияти Марказий Осиёнинг бошқа давлатларида ҳам кенгайди.

## Меҳмонлар ташрифи: илк учрашувлар, таассуротлар

марҳамат...  
**Жан Лемьер, ЕТБ Президенти:**

— Европа, Россия, Хитой ва Марказий Осиё минтақалари қадим-қадимдан бир-бирларини боғлаб турувчи йўللарга эга бўлишган. Бугунги кунда уларнинг ва айниқса, бир-бирларига қўшни — Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон Республикаларининг геосийсий аҳамияти ана шу йўллар чорраҳаларида янада ортиб бормоқда.

ЕТБнинг мақсади — демократик тажрибалар асосида замонавий бозор иқтисодиғи ўтишни тезлаштириш. Бунга мазкур давлатларга келгусида сармоядорларни кўпроқ ва кенгроқ жалб этиш, иқтисодий секторга қўламли ёрдам бериш орқали

да плюрализм ҳамда демократик тамойилларга асосланиш керак. Аммо очиқ айтиш лозим, ҳали унинг барча ҳудудларида бундай ҳолат у қадар кузатилмаётди. Масалан, Туркменистонда ЕТБ томонидан жалб қилинган инвесторлар фаолиятига кенг йўл очиб берилганича йўқ...


Холбуки, инвесторларнинг эркин фаолият юритиши учун зарур шарт-шароитнинг яратили-

тиги катта-катта сармоялар оқимини кафолатлайди. Бу борада айтиш мумкинки, Ўзбекистон ташаббускорлик қилмоқда. Уйлайманки, у бу йилда бундан буюн ҳам байроқдор бўлиб қолади.

«Буюк Ипак йўли» кесишган минтақада илк бор ўтаётган йиғилишимиз — шаксиз, катта самара беради.


халқаролик қўламини кенгайтириб. Банк фаолиятининг асосий мақсадларидан бири ҳам ўзи аслида шу — яъни, сиёсатдонлар ва иқтисодчилар ўртасидаги мувофиқликни, уйғунликни таъминлашдан иборат.

Шу маънода унинг ишида 60 дан зиёд давлатларнинг раҳбарлари, ҳукумат аъзолари, халқаро институтлар, халқаро



Иқтисодий шартномалар билан кучлидир дунё!

Халқимизда «меҳмон кўнглида борини айтади» деган гап бор. Нуфузли меҳмонлар ҳам наздимизда ҳозир кўнглига тугиб келган дил сўзларини айтади. Дарвоқе, ЕТБнинг Тошкентдаги йиллик мажлиси — Ўзбекистон учун ўзининг улкан салоҳиятини жаҳон бўйлаб намойиш этиш ва мамлакат иқтисодиётига хорижий сармояларни кўпроқ ҳамда кенгроқ жалб қилиш имкониятини беради.



Мамлакатимизнинг ЕТБ кредитларидан умумий фойдаланаётган барча турдаги банклари орасида республика Саноатқурилиш акционерлик тижорат банки ҳам алоҳида ўрин тутади. Масалан, 15 миллион АҚШ доллари миқдорига қарз келишувни кучга кирган кундан эътиборан (1999 йил 1 декабрь) «Ўзсаноатқурилишбанк»га 50 дан

си таъсисчилари — Қувасой консерва заводи, «Delphy LLC» (АҚШ) ва «Fepco SPA» (Италия) компанияларидир. Кредит муддати — 2 йил, имтиёзли даврни ҳам қўшиб ҳисоблаганда етти йил. Мақсад — йилга 22.960 тонна қувват билан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича Италия технология линиясини сотиб олиш.

Мазкур лойиҳа «Ўзсаноатқури-

дори-дармонлар ишлаб чиқариш ташкил этиш кўзда тутилган. Мазкур лойиҳа бўйича Олмаликдаги «Жўрабек Лабораториес ЛТД» қўшма корхонаси кредит олди. Маҳаллий таъсисчи — Тошкентдаги «Жўрабек» хусусий дохионаси бўлиб, юк жўнатувчи «Klenzaids contamination Controls PVT. LTD» (Ҳиндистон) компаниясидир. Лойиҳа қиймати 2.024.554, кредит суммаси эса 1.200.000 АҚШ доллари. Кредит муддати — 2 йиллик имтиёзли даврни ҳам қўшган ҳолда 6 йил. Лойиҳа нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиё мамлакатлари ва Қозоғистонда ҳам янги дори-дармонлар тайёрлашни ўзлаштиришга қаратилган. Улар цефалоспориннинг 1,2,3 авлодлари каторига кирувчи Кефзол, Клофоран, Татацеф, Зенацеф, Роцефин, Цефамизин ва бошқа антибиотиклардир.

## «Ўзсаноатқурилишбанк: янги лойиҳалар, янги корхоналар»



кўпроқ лойиҳа тақдим этилди. Шундан 14 таси банкнинг кредит қўмитаси томонидан маъқулланиб, улар молияланиши учун ЕТБ тасдиғига юборилди. Жорий йил бошига қадар молияланган лойиҳаларнинг ижроси ҳақида банкнинг ташқи иқтисодий фаолият департаменти директори Лидия Массель мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди:

— Сўзимни биратўла мисоллардан бошлай қолай: Фарғона вилояти Қувасой шаҳридаги Тожикувён манзилгоҳида жойлашган «DELKONS» қўшма корхона-

лишбанк»нинг ЕТБ кредит линияси бўйича молияланган энг йirik лойиҳа ҳисобланади. Унинг ҳиссаси банкда ЕТБ линияси бўйича очилган маблағнинг 1/5 қисmini ташкил этади. Қўшма корхона очилиши ва кредит тақдим этиш орқали 2,2 миллион АҚШ доллари миқдорига да хорижий сармоялар жалб этилди.

Эки бўлмаса, пойтахтимиздаги «Жўрабек Лабораториес ЛТД» қўшма корхонасини олинг: унинг базасида кукунли инъекциявий

**Evropa Tiklanish va Taraqqiyot Banki**

**ЕВРОПА ТИКЛАНИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ БОШҚАРУВЧИЛАР КЕНГАШИНИНГ ЙИЛЛИК МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТГАН МАМЛАКАТЛАР**

I апрель 1992	Будапешт, Венгрия
II апрель 1993	Лондон, Англия
III апрель 1994	С-Петербург, Россия
IV апрель 1995	Лондон, Англия
V апрель 1996	София, Болгария
VI апрель 1997	Лондон, Англия
VII апрель 1998	Киев, Украина
VIII апрель 1999	Лондон, Англия
IX апрель 2000	Рига, Латвия
X апрель 2001	Лондон, Англия
XI апрель 2002	Бухарест, Руминия
XII МАЙ 2003	ТОШКЕНТ, ЎЗБЕКИСТОН

Эътибор беринг, ЕТБ ташкил этилганидан буюн ўтган ўн бир йил орасида дунёнинг санокли мамлакатларида ўз йиллигини ўтказган. Ушбу нуфузли ташкилот навбатдаги мажлисини Ўзбекистонда ўтказмоқда.

**Суҳбатдош:** Илҳом КАРОМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

**Суратда:** «Ўзсаноатқурилишбанк» ходимлари тақдим этилган янги лойиҳа билан танишмоқдалар.

**Шавкат АКРАМОВ олган сурат**

- 2002 йилда мамлакатимиз иқтисодиётига киритилган хорижий инвестицияларнинг умумий ҳажми 650 миллион АҚШ долларини ташкил этди.
- Бугунги кунда Ўзбекистон жаҳоннинг 120 дан ортиқ мамлакати билан савдо иқтисодий муносабатларни ривожлантириб бормоқда.
- Ватанимизнинг барча ҳудудларида ҳозир 152 та янги қўшма корхона вужудга келган.
- 2005 йилгача бўлган даврда хорижий инвесторларга яна 140 дан ортиқ янги қўшма ишлаб чиқариш объектларида иштирок этиш имконияти тақлиф этилган.

Халқаро молия ташкилотларининг ташкил топиши асосан иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврга тўғри келса-да, дастлабкиси, масалан, Жаҳон банки 1944 йил АҚШнинг Бреттон-Вудс шаҳрида ташкил топди. Аввалига урушдан кейинги Европа-ни қайта тиклаш ишларига маблағ ажратиш билан шуғулланган мазкур банк кейинчалик Осиё, Африка, Яқин Шарқ ҳамда Лотин Америкаси мамлакатлари тараққийоти қаратилган лойиҳаларни ҳам молиялаштира бошлади.

Вакт ўтиши, тарихий воқеликнинг ўзгариши, курраи заманимизнинг тобора глобаллашиб бориши ҳамда мамлакатлар ривожини учун муҳим бўлган молиявий сармояларни киритиш зарурати янги молиявий тузилмалар ташкил этилишини тақозо этди. Бундай зарурат 1952 йилга келиб, ривожланаётган мамлакатларда хусусий секторни қўллаб-қувватлаш ва улар иқтисодиётини молиялаштириш йўли орқали ишсизликни камайтиришга қаратилган Жаҳон банки гурухи аъзолари — Халқаро молия корпорацияси, Халқаро тараққийот ассоциацияси (1960) каби турли молиявий тузилмаларнинг ташкил этилишига туртки берди.

Ривожланаётган мамлакатлар тушунчаси жуда кенг қамровли бўлиб, улар ер шарининг турли қитъаларида жойлашган. Иқтисодий ривожланиш даражаси, табиий ва бошқа шарт-шароитлари ҳамда имкониятлари билан бир-бирига ўхшамайди — унинг ҳар бири ўзига мос иқтисослашган ёндашув талаб қилади.

Шу маънода 1959 йилда Кариб денгизи ва Лотин Америкаси мамлакатлари тараққийоти

ривол бўлиб, улар ер шарининг турли қитъаларида жойлашган. Иқтисодий ривожланиш даражаси, табиий ва бошқа шарт-шароитлари ҳамда имкониятлари билан бир-бирига ўхшамайди — унинг ҳар бири ўзига мос иқтисослашган ёндашув талаб қилади.

Шу маънода 1959 йилда Кариб денгизи ва Лотин Америкаси мамлакатлари тараққийоти

ривол бўлиб, улар ер шарининг турли қитъаларида жойлашган. Иқтисодий ривожланиш даражаси, табиий ва бошқа шарт-шароитлари ҳамда имкониятлари билан бир-бирига ўхшамайди — унинг ҳар бири ўзига мос иқтисослашган ёндашув талаб қилади.

Шу маънода 1959 йилда Кариб денгизи ва Лотин Америкаси мамлакатлари тараққийоти

## Салоҳият ва барқарорлик тасдиғи

тини молиялаштиришга йўналтирилган Интер-Америка тараққийот банки бунёд этилди. 1966 йил «Қора қитъа» мамлакатлари тараққийотини молиялашга иктисослашган Африка Тараққийот банки ҳамда Осиё ва Тинч океани мамлакатларини қамраб олувчи Осиё Тараққийот банклари ҳам асос солинди.

Европа Тикланиш ва Тараққийот Банкининг вужудга келиши эса дунёдаги сиёсий аҳвол ҳамда мафқуравий қарашларнинг ўзгариши, шунингдек, дунё харитасида Муствақил давлатлар ҳамдўстлигининг пайдо бўлиши билан изоҳланади. Унинг асосий фаолият йўналиши — «коммунизм» балосидан халос бўлган Марказий ва Шарқий Европа ҳамда МДХ мамлакатларида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, режали иқтисодиёт шароитида яшаган мамлакатларда бозор муносабатларини шакллантириш, демонополизация ҳамда давлат корхонала-

да амалга оширилаётганининг сабаби ҳам шунда.

Ўзбекистоннинг Жаҳон банки, Осиё Тараққийот банки ва бошқа қатор молия ташкилотлари билан яқиндан ҳамкорлиги билан бирга ЕТБ билан бўлган муносабатлари ҳам алоҳида эътиборга молик. Чунончи, ЕТБ директорлари кенгаши аъзоси, Ўзбекистон масалалари бўйича ижрочи директор Лоран Гининг фикрича, Марказий Осиё мамлакатлари тарихида илк бор ушбу нуфузли ташкилот йиллик мажлисининг Тошкентда ўтказилиши — ЕТБ томонидан Ўзбекистоннинг улкан сармоявий салоҳиятга эга эканлиги ва у минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим ўрин тутишини тан олинганлиги тасдиғидир.

**Ақмалжон ҚўЧҚОРОВ, «Жаҳон» АА**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг  
ҚАРОРИ

Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни  
ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтиришга доир  
қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда.)

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

икки ҳафта муддатда Хорижий инвестициялар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бошқармасининг тузилмасини ва Бошқарма тўғрисидаги низоми тасдиқласин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божжона қўмитаси ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга нисбатан амалдаги имтиёзлар ва кафолатлар рўйхатини, уларни қўллаш бўйича шарҳлар билан биргаликда, икки ой муддатда тайёрласин;

Хорижий сармоялар бўйича агентлик билан биргаликда Ўзбекистон Республикасида хорижий инвесторлар фаолиятини тартибга солиш норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тизимлаштирилган тўпламини Интернет тармоғига жойлаш-

тириш учун хорижий тилларда уч ой муддатда тайёрласин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаменти хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги минтақавий бўлимларининг моддий-техника базасини қўллаб-қувватлаш учун грантлар жалб этилишига қўмақласин.

5. Адлия вазирлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаменти хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятининг доимий мониторингини олиб боришлар ҳамда хорижий инвесторлардан тушаётган мурожаатлар ва тақлифларни батафсил ўрганиб чиқсинлар ва тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш ва хори-

жий инвесторларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича ишларни ташкил этишни янада яхшилаш юзасидан аниқ тақлифлар билан биргаликда таҳлилий материалларни Вазирлар Маҳкамасига йилнинг ҳар чорағида тақдим этсинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлиф киритсин, шунингдек вазирликлар ва идораларнинг норматив ҳужжатларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилишини таъминласин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.С.Азимов ва Э.М.Ғаниев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2003 йил 2 май.

ХАЛҚ БАНКИ

«Обод маҳалла йили» муносабати билан «Маҳалла — фахрим менинг» жамғарилувчи, ютуқли омонат турини

ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Омонатга пул маблағлари жорий йилнинг 20 декабригача Халқ банкининг барча муассасаларида қабул қилиниб, йиллик 24 фоиз миқдорда даромад тўланади.

Сиз, омонатингизга ҳисобланган даромадларни олиш билан бир қаторда 500 000 сўм ютуқ совриндорларидан бири бўлиш имкониятига эгасиз. Ютуқлар тиражи республика «Маҳалла» жамғармасининг тавсиясига кўра намунали маҳаллаларда ўтказилади.

Мурожаат учун телефонлар:  
173-69-15, 173-69-16

ОМОНАТИНГИЗНИ ИШОНЧЛИ БАНҚДА  
САҚЛАНГ ВА КўПАЙТИРИНГ!

Шеробод тиббиёт коллежида виллоятнинг барча туманларидан келган бир ярим минг нафарга яқин талабалар медицинанинг ҳамширалик иши, даволаш ва тиш даволаш мутахассисликлари йўналишлари бўйича тахсил олмақдалар.

Коллежда талабаларнинг етук мутахассис бўлиб етишишлари учун барча қулайликлар мавжуд. Ўндан ошқан фан кабинетлари, тури хил тўғараклар, замонавий адабиётлар билан тўлдирилган кутубхона мавжуд.

◆◆◆

Суратларда: 1. Ўқитувчи Тошболта Аъзамов 1-курс талабаларига анатомия фанидан дарс ўтмоқда. 2. Ўқитувчи Шахло Нурматова (ўртада) ҳамширалик иши бўлими 3-курс талабалари Умидаҳон Ҳамроева ва Нурия Жабборовалар билан.

ЎЗХДП МК  
МАТБУОТ ХИЗМАТИ  
ХАБАР ҚИЛАДИ

ДЕПУТАТЛАР  
ФАОЛИЯТИДАН

● ХДПдан Халқ депутатлари Ромитан туман Кенгаши сайланган Рустам Саидовнинг сайловчилар билан учрашуви бугунги кундаги халқро вазият, ижтимоий-сиёсий фаоллик ҳамда Олий Мажлисининг XI сессияси ҳужжатларига бағишланди.

● Халқ депутатлари Окқўрғон туман Кенгаши депутати Раҳматжон Мирзақуллов ҳам ўз сайловчилари билан учрашди. Партияимиздан сайланган халқ ноиб амалга оширилган ишлар, келгусида бажариладиган вазифалар ҳамда «Обод маҳалла йили» доирасидаги тадбирлардаги иштироки тўғрисида ахборот берди.

ПАРТИЯ  
ТАШКИЛОТЛАРИДА

● Ўзбекистон ХДП Асака, Балиқчи, Бектемир, Бўстонлик, Избоскан, Мирзо Улугбек, Пскент, Сергели, Шахрихон, Ғузор туман ва «Ёшлик» шаҳарча кенгашларининг мажлаҳларида ўтказилаётган ислохотлар жараёнида партия ташкилотлари фаолигини ошириш, МК пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вазифаларни амалга ошириш масалаларига бағишланган пленумлари бўлиб ўтди.

● ХДП Бўқа ва Юқоричирчиқ туман кенгашларининг пленумларида кўрилган ташкилий масалаларга мувофиқ, С.Бўриев ҳамда М.Ёқубовлар мазкур


туман партия кенгашлари биринчи котиблари этиб сайландилар. Йигилишларда Юқоричирчиқ тумани ҳокими А.Ғаппоров ва Бўқа тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Қодировлар сўзга чиқдилар.

● ХДП Сирғали туман кенгаши ташаббуси билан уюштирилган ҳашарда 300 тупдан зиёд мевали ва манзарали дарахтлар қўчатлари, гуллар экилди. Бу ишни амалга оширишда партиянинг Навоий шаҳар кенгаши яқиндан ёрдам берди. Дарахт қўчатларини Тошкентга ХДП Навоий шаҳар кенгаши биринчи котиби У.Мусаев олиб келди.

● ХДП Окқўрғон туман кенгаши, «Наврўз» жамғармаси туман бўлими билан ҳамкорликда, Нанай қишлоғи фуқаролари билан «Маҳалла тинчлиги — оилам тинчлиги» мавзусида мулоқот ўтказди. Шунингдек, мазкур туман Нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш комбинати негизда йўқазилган очиқ партия йигилишида Олий Мажлисининг XI сессияси ҳужжатларини ўрганиш, мамлакатимиз раҳбарининг ундаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисида фикрлашиб олинди. Савол-жавоблар билан кўриққарли ўтган йигилишда тегишли вазифалар белгиланди.

● ХДП Окқўрғон туман кенгаши, «Наврўз» жамғармаси туман бўлими билан ҳамкорликда, «Султонобод», «Озод» ва Ҳамид Олимжон номли ширкат ҳўжалиқларида истиқомат қилувчи кўп болали, кам даромадли оилаларга ёрдам тариқасида бепул кийим-кечақлар тарқатди.

● Пахтаобод туман партия кенгаши ва «Наврўз» жамғармасининг туман бўлими фаоллари Йўғур қишлоғи фуқаролари йигилишида истиқомат қилувчи ёш келин-куёвнинг никоҳ тўйини ўтказилишида бошқош бўлдилар.



Абдурашул ПАРДА олган суратлар

ТАФСИЛОТ

Ироқ: асосий вазифа  
хавфсизликни таъминлаш

жаҳон ахборот агентликлари хабар қилади



Кўшинлар  
олиб чиқиб  
кетилади

ВВС берган маълумотга кўра, АҚШ армиясининг Саудия Арабистонидagi барча ҳарбий бўлима ва қисмлари олиб чиқиб кетилади. Фақат Саудия Арабистони қуролли кучлари таркибидagi ҳарбийлар тайёргарлиги бўйича шуғулланувчи Америка инструкторларигина у ерда қолади.

Маълумки, 1991 йили «Саҳродаги бурон» ҳарбий ҳаракатлари бошланган пайтда 5 минг нафар Америка аскарлари Саудия Арабистонига жойлаштирилган эди. Кейинчалик уларнинг сони 10 мингга етди, яъни бу ерда Ҳаво операциялари бирлашган маркази тузилган эди. АҚШ ҳарбий ҳаво кучлари матбуот котиби, бригада генерали Рон Рэндинг таъкидлашча, эндиликда бу марказ Катарага кўчирилмоқда. Марказ Саудия Арабистонидagi ўз фаолиятини ёз охирига бориб яқунлайди.

Reuters. 18 кишидан иборат Италиянинг биринчи

ҳарбий гуруҳи Ироққа етиб келди. Улар Бағдодда фаолият юритаётган Италия Қизил Ҳоч бўлими хавфсизлигини таъминлайди. Умуман Ироққа 3 мингга яқин киши жўнатилиши кўтилмоқда. Улар полиция вазифасини бажарадилар ҳамда мамлакатни миналардан тазалашда, тиббиёт ходимларини кўриқлашда қатнашдилар.

◆◆◆  
Доимий фаолиятни тиклаш мақсадида 21 кишидан иборат БМТ вакиллари Иорданиядан Бағдодга келдилар. Мамлакатда вазият барқарорлаштириши ҳамона 650 кишилик БМТ миссияси Ироқда иш бошлайди. Улар уруш бошлангандан олдин мамлакатни тарқатган эдилар.

30 йил эди — 40 йил бўлди

Бразилия сенати янги қонун лойиҳасини бир овоздан маъқуллади. Унга кўра, эндиликда озодликдан маҳрум этишнинг энг узоқ муддати 40 йиллик қилиб белгиланди. Энг оғир жиноятлар учун қўлланиладиган қамоқ жазоси авваллари 30 йил эди, дея хабар беради «Новости» агентлиги.

◆◆◆  
Эртага Буюк Британия дипломатлари Бағдоддаги Британия ваколатхонасида иш бошлайдилар. Мамлакат ташқи ишлар вазири Жек Стронинг айтишича, мазкур миссияга 1990-91 йиллари Ироқ — Қувайт уруши даврида Британия элчисининг ўринбосари бўлиб ишлаган Кристофер Сегар раҳбарлик қилади.

◆◆◆  
Кирққудаги бир неча нефть тармоғи ишчиларига Америка ҳарбийлари томонидан биринчи маош тарқатилди.

◆◆◆  
Интерфакс. Грузия ўз полиция бўлимларини жўнатишига АҚШ маъмурияти рухсат берди. Улар жамоат тартибини сақлашда иштирок этадилар. Шунингдек, Грузия муҳандислари ҳам қурилишларда фаолият

кўрсатадилар. Жўнашга тайёргарлик кўраётган ҳарбий шифокорлар эса араб тилида сўзлашишни ўрганмоқдалар.

The Guardian. Франция ҳукумати Ироқни қайта тиклаш жараёнида иштирок этиш истагини билдирганлигини мамлакат ташқи ишлар вазири Домини де Вильпен маълум қилди.

◆◆◆  
Новости. Ироқнинг вақтинчалик маъмурияти раҳбари, истеъфодаги генерал Жей Гарнер «Озод Ироқ овози» радиостанцияси орқали мамлакат полициясига мурожаат этиб, ўз вазифаларини давом эттиришга қақирди. Улар Бағдод кўчаларида коалиция кучлари ҳарбийлари билан бирга патруллик қиладилар.

Алимбек ТОШБЕК  
тайёрлади

Мактабларни  
ёпиб қўймоқчи

Россия Федерацияси Фавқуллода вазиятлар вазирлиги ёнғинага қарши хизматининг Ставропол ўлка бошқармаси бошлиғи, полковник Александр Башлай ўлкадаги 11 та мактабда ёнғинга қарши жиҳозлар йўқлиги сабабли ёпиб қўйишни талаб этди.



Словакия. Турзо Футтер компанияси бизнеси

«ЯХШИ НИЯТ» ТЕЛЕВИЗИОН УЙ-ЖОЙ ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ  
116-ТИРАЖИДА ЮТГАН ЧИПТАЛАР РАҚАМЛАРИ ҚИСҚА ЖАДВАЛИ

Чипталар, жадвал охиридан бошлаб, халтадан чиқмаган рақамлар бўйича текширилади. Ана шундай рақамдан биронтасининг чиптада мавжудлиги уни ютуқсизга айлантиради. Агар халтадан чиқмаган барча рақамлар чиптада мавжуд бўлса, унда ушбу чипта қўшимча турда ютуқли ҳисобланади. Сўнгра чипта сериясининг 1, 2, 3, 4 ва 5-турларда тўғри келиши текширилади. 6-турдан бошлаб мазкур турдаги рақамнинг чиптадаги мавжудлиги текширилади.

1 Тур	6	47	70	6 Тур	Сони: 4	Сони: 5	Сони: 50	Сони: 718
49	42	41	8	76	Видео-магнитофон	Сумма: 1000	Сумма: 400	Сумма: 200
13	27	39	88	Сони: 2	13 Тур	31	19 Тур	25 Тур
78	81	38	62	Телевизор	Чипталар рақами	10009124.3	23	25
7	74	Сони: 1	69	Чипталар рақами	10041149.2	Сони: 3	Сони: 73	Сони: 1038
84	85	NEXIA	37	10041149.2	30038309.2	Сумма: 900	Сумма: 300	Сумма: 200
26	4	автомобили	61	90003276.1	40042272.3	14 Тур	20 Тур	26 Тур
86	46	Чипта	63	60013553.1	60013553.1	20	17	36
68	15	рақами	9	82	10 Тур	Сони: 10	Сони: 147	Сони: 1839
65	Сони: 4	60039421.1	24	Сони: 2	32	Сумма: 800	Сумма: 200	Сумма: 200
Сони: 2	Музыка маркази	4 Тур	89	Телевизор	Сони: 4	15 Тур	21 Тур	Кўшиқча
Телевизор	Чипталар рақами	21	58	Чипталар рақами	11	18	18	тур
Чипталар рақами	20026592.3	13	Сони: 1	30006509.1	Сони: 14	Сони: 186	Сони: 200	Сони: 61
30019663.2	40021154.1	43	NEXIA	70048189.3	Чипталар рақами	Сумма: 700	Сумма: 200	Сумма: 600
60008304.1	40037428.1	10	автомобили	20022731.3	8 Тур	16 Тур	22 Тур	Хилмадан
2 Тур	50027038.1	48	Чипта рақами	60002583.1	45	75	75	чиқмаган
57	Сони: 3	20045185.2	64	Сони: 3	80005931.2	Сони: 10	Сони: 340	шарлар:
50	44	3 Тур	72	Видеомагнитофон	90007550.1	Сумма: 600	Сумма: 200	16,
29	71	53	60	Чипталар рақами	11 Тур	17 Тур	23 Тур	35,
34	33	Сони: 1	12	20049292.1	80	66	Сони: 478	81,
30	77	NEXIA	Сони: 4	50028047.3	Сумма: 1500	Сумма: 500	Сумма: 200	85,
28	90	автомобили	5	70009657.1	12 Тур	18 Тур	24 Тур	79,
40	19	Чипта рақами	73	40014486.1	67	54	2	87

«Лаҳзали Яхши Ният» телеўйинида иштирок этувчи шарлар рақами (халтада қолган): 16, 35, 51, 55, 79, 87

Тўғри келганлар сони	Ютуқ сони	Сумма	Чипталар рақами
4	2	2500000	80035867.4/30039347.2
3	12	1000	
2	339	300	
1	3681	100	

«Яхши Ният» телевизион уй-жой пул-буюм лотереясининг 2003 йил 5 июндаги 117- тиражиди ўйналадиган супер-ютуқлар:

4 тур - 2 ҳовалга уй (Тошкент ш.)

1 тур - 1 ҳовалга уй (Тошкент ш.)

2 тур - 1 ҳовалга уй (Тошкент ш.)

3 тур - 2 ҳовалга уй (Тошкент ш.)

5 тур - 1 ҳовалга уй (Тошкент ш.)


Ва қўшимча пул-ютуқлари

«ЯХШИ НИЯТ» телелотереяси чипталарини тезета дўконларидан ва чипта тарқатувчилардан олиш мумкин. «ЯХШИ НИЯТ» телелотереясининг ўйинлари пайшанба кўни 5 июнда соат 18.30 да ЎзТВнинг 1-каналда орқали намойиш этилади.

Ютуқлар ҳар чорағида 14.00 дан кўраги ютуқлар олиш имконияти ҳақида «Лаура» ХФ сизда берилади. Мавза: Топ кент шаҳри, Шевченко кўчаси, 8 уй. Мўжади: «Украинка» дўқон. Тел: 8(3712) 56-25-54, 56-26-60.

Пул ютуқлари Шеробод тумани Халқ банки бўлимилари ҳамда «Лаура» ХФсида ва чипта тарқатувчилар томонидан берилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2000 йил 27 октябрдаги 400-сонли лицензияси.



Evropa  
Tiklanish va Taraqqiyot  
Banki



Grand Mir Hotel

# Хуш келибсиз!

## Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банки Бошқарувчилар кенгашининг Тошкентдаги йиллик мажлиси қатнашчиларини самимий қутлаймиз. Нуфузли халқаро молиявий анжуман муваффақиятли ва сермазмун ўтишига тилакдошимиз.



### ТЕАТР

Наманган шаҳридаги Алишер Навоий номли вилоят мусикали драма театрида «XXI аср ўзбек театри: режиссура ва актёрлик санъати истисботи» мавзuida республика семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари

### Наманганда театр анжумани

вазирлиги, «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Маннон Уйғур номдаги Тошкент давлат санъат институти раҳбарлари иштирок этишди.

«Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Бош директори Омонулло Ризаев анжумани ташкил этишдан қўзланган мақсад ва вазифалар ҳақида тўхталиб, театр санъатини янада ривожлантириш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Анжуманда мустақилликдан сўнг театр санъатининг янги-ча қарашлар асосида шаклланди, бойиб бораётгани, мамлакатимизда маданият соҳасида эришилаётган ютуқларда театрларимизнинг салмоқли улуши борлиги таъкидланди. Шу билан биргаликда замондошларимизнинг саҳнавий талқинини яратишда театр жамоаларининг драматурглар билан алоқаси янада фаолроқ бўлиши лозимлиги га ўргү берилди.

Сайёра  
ТУРҒУНЖОН қизи

### ТАДБИР

#### «Sen yolg'iz emassan»

Мамлакатимизда 1 майдан 1 июнгача бўлиб ўтадиган хайрия марафони ана шундай номланди. Республика болалар жамоатчилиги жамғармаси томонидан ташкил этилган ушбу тадбирдан мақсад жамоатчилик эътиборини қаровчиси йўқ ва ногирон болалар муаммоларига қаратишдан иборат.

Маълумки, меҳрибонлик уйларида тарбияланаётганлар ҳаётида ўз ўрнини топишларида «Sen yolg'iz emassan» жамғармаси ўз дастурини ишлаб чиққан. Дастурнинг амалга оширилиши бундай ўсмирларни касбий йўналтириш ва уларга коллеж, лицей ҳамда олий ўқув юртида билим олишларини давом эттиришга ёрдам беради. Пойтахтимиздаги меҳрибонлик уйлари ва мактаб-интернатларида ташкил этилган тўғарақларда ўғил болалар ва қизлар тасвирий санъат ва рақс билан шуғулланади, математика, кимё, инглиз тили, компьютерда ишлаш бўйича ўз билимларини чуқурлаштиради.

Жамғарма яқин кунларда улар учун тезкор навбатчи ишонч хизматини ташкил этишни кўзда тутиган. Тошкентдаги меҳрибонлик уйларида ўрнатилган бевосита телефон алоқасидан барча тарбияланувчилар фойдаланиши мумкин.

Хайрия марафониغا бағишлаб ўтказилган матбуот анжуманида жамоатчилик эътиборини ушбу тадбирга кенг жалб қилиш ҳақида сўз борди.

Болалар расмлари танловини ўтказиш, спектакль, цирк, концерт томошалари, саёҳатлар уюштириш сингари кўплаб тадбирлар марафон дастуридан ўрин олган. Марафон Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кўни пойтахтдаги Акваларда яқунланади.

Абдуғани СОДИҚОВ

### Юлдуз — кумуш, Тимур — бронза медали соҳиби

Фарғонада 16 ёшгача бўлган ўсмир ва қизлар ўртасида шохмат бўйича Осиё биринчилиги ниҳоясига етди.

Швейцарча тизимда ўтказилган баҳсларда ғолиблар фақат сўнгги турдагина аниқланди. Аинқиса, ўсмирлар ўртасидаги мусобақалар кутилмаган натижаларга бой бўлди. Тошкентлик Тимур Гареевнинг дастлабки турдан то саккинчи тургача пешқадамлик қилганлиги боис, кўпчилик унинг ғолиб бўлишини баъшорат қилаётганди. Аммо вакилимизнинг ҳал қилувчи учрашувда имкониятни бой берганлиги қозғоғистонлик Рауан Манкеевага қўл келди. Мусобақанинг олтин медали соҳибидан ярим очко кам жамғарган эронлик Лавай Саид Жавод ҳамда Тимур Гареевлар иккинчи ва учинчи ўринларни ўзаро бўлишиб олиш-

ди. Биринчилик якунида улар бир хил — 7 тадан очко жамғарганди. Жиззахлик Юлдуз Ҳамроқуллова қизлар ўртасида Осиё ва жаҳон чемпионатлари қатнашчиси. У бир қатор нуфузли мусобақалар совриндори ҳамдир. Юлдуз бу галги Осиё биринчилигида ҳам ўз иқтидорини намойиш этди ва кумуш медални қўлга киритди. Қизлар ўртасида вьетнамлик Хуанг Ти Бао Трам энг кўп очко жамғарди. Мусобақанинг бронза медали Гулмира Даулетова (Қозғоғистон)га насиб этди.

Шунингдек, қизча биринчилигида «Энг ёш қатнашчи» соврини ҳам ўз эгаларини топди. Бу мукофотга ўсмирлар ўртасида Ал-Сулайти Фахад (Қатар) ва қизлар орасида Тахмина Турдалиева (Ўзбекистон)лар муносиб топилди.

Эркин ХОЛБОБО

### ИНТЕР СПОРТ


#### Кличко, Тайсон ва Льюис

WBO йўналиши бўйича ўта оғир вазндаги собиқ жаҳон чемпиони Владимир Кличко шу йилнинг 21 июнида ўзининг навбатдаги учрашувини ўтказиши мумкин. Фақат бунинг учун у Лос-Анжелесда ўтказилиши кўтиляётган Леннокс Льюис — Кирк Жонсон учрашуви олдин рингга чиқиши лозим бўлади. Льюис ана шу учрашувда



Майк Тайсон билан россиялик Олег Маскаев учрашса керак деган фикрга борганди. Лекин,

#### Гап-сўзларга барҳам берилди



Англиянинг «Манчестер Юнайтед» футбол жамоаси сардори Дэвид Бэхкемнинг «Реал» (Мадрид) жамоасига ўтиши мумкин деган гап-сўзларга барҳам берилди. «Реал» президенти Флорентино Перес: «Ҳеч қачон, ҳеч ким Бэхкем «Реал»да ўйнаши мумкинлиги ҳақида сўз

Тайсон иккинчи қаторда бўлиб қолиши маъқул топмади. Эслатамиз, Владимир Кличко 2003 йил 8 март кунини Жанубий африкалик Корри Сандерс билан бўлган жаннинг иккинчи раундида нокаутли зарба олган эди. Ҳар қалай Кличко Лос-Анжелесда ўтказиладиган учрашув олдин имкониятини яна бир бор синаб кўришга рози бўлса Льюисга рўбарў бўлиши мумкин. Фақат Льюис Жонсон билан бўладиган жандан кейин катта спортдан умуман кетмас.



#### Давлат — оғиз бирикмаси

Давлат — бу ерда «бойлик, омад, муваффақият, бахту иқбол» деган маънода келтирилган. Мазкур мақол билан: «Хоҳ оилада бўлсин, хоҳ жамоатда бўлсин, бир ёқадан бош чиқариб, бир оғиздан сўз чиқазиб, иттифоқ бўлиб, бир-бирини тўғри тушуниб, бир-бирини қўллаб-қувватлаб, иноқликда иш қўриш — катта давлат, муваффақият негизи», дейилмоқчи.

#### Давлат ҳам — эгиз, меҳнат ҳам — эгиз

Бунда ҳам давлат — «бойлик, омад, муваффақият, бахту иқбол» маъносига эга «машаққат, гурбат, омад-сизлик, бахти қаролик» маъносига келтирилган. Кишилар: «агар одамга бир омад келса, устма-уст (яъни, эгиз-эгиз, қўшалок-қўшалок бўлиб) келаверади, агар одам машаққатга, омадсизликка йўлиқса, кетма-кет йўлиқаверади», деган тушунчада бўлганлар. Мазкур мақол ана шу тушунчанинг маъсулидир. Аслида эса, баъзи одамларда бўлиб турадиган бу ҳол — ҳаётини қонунга эмас, балки тасодифий ҳолдир.

#### Даврдан жим чиқиб кетган ҳам — доно

«Бирор жанжалли суҳбат даврасида гапга аралашмай, ўз бошига ўзи ғалва орттирмай, жимгина чиқиб кетган киши ақлли, доно одамнинг ишини қилган бўлади», дейилмоқчи.

### СПОРТ

#### Бугун соат 15.00 да...

«Пахтакор» Марказий ўйингоҳида Ўзбекистон ва Эрон олимпия терма жамоалари ўртасида 2004 йил Афина (Греция)да ўтадиган олимпиянинг дастлабки саралаш учрашуви бошланади.

— Футболчиларимиз ўз олдиларига навбатдаги олимпия ўйинларига йўллангани қўлга киритишдек юксак мақсадни қўйган, — дейди мамлакатимиз олимпия терма жамоаси бош мураббийи В. Жалилов. — Мазкур учрашувга «Пахтакор», «Навбахор», «Насаф», «Нефтчи», «Қизилқум» каби жамоалардан энг иқтидорли ўйинчиларни жалб этганмиз. Шунингдек, Илёс Зейтуллаев («Ювентус», Италия), Александр Гейнрих (ЦСКА, Россия), Илья Телегин («Химки», Россия) сингари легионерларимиз ушбу ўйинда юртимиз шарафини ҳимоя қилади. Рақибимиз қизча-



нинг номдор жамоаларидан саналсада, кейинги босқичга чиқиш учун барча имкониятлардан фойдаланамиз. Куръага кўра, жавоб учрашувининг Техронда ўтиши бизга жуда катта масъулият юклайди, албатта. Шу боис, йигитларнинг Тошкентда йирик ҳисобда ғалаба қозонишлари талаб этилади. Ишончманки, ишқибозлар бизни қўллаб-қувватлашади.

### BOSH MUHARRIR

Safar OSTONOV

### TAHRIR HAY'ATI

Abdulla ORIPOV  
Abdulfafiz JALOLOV  
Azimjon AYUPOV  
Aziz NOSIROV  
Ashur QODIROV  
Bobir ALIMOV  
Norbob SHAKAROV

(Bosh muharrir

birinchi o'rinbosari)

Alimqul SULTONOV

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Andrey ORLOV

(Bosh muharrir o'rinbosari

«Golos Uzbekistana»)

Nomoz SA'DULLAYEV

Rahima HAKIMOVA

To'lepbergen

QAIPBERGENOV

### MUASSIS:

O'ZBEKISTON  
XALQ DEMOKRATIK  
PARTIYASI MARKAZIY  
KENGASHI

### BO'LIMLAR:

Siyosat, partiya va  
xalqaro hayot

133-44-55

Ma'naviyat va ma'rifat

133-69-45

Ijtimoiy hayot va

iqtisodiyot

133-20-36

Parlament va huquq

136-57-20

Axborot, sport va

harbiy vatanparvarlik

133-21-43

Xatlar va

ommaviy ishlar

133-12-56 (Tel. Faks)

Kotibiyat

133-72-83

Reklama va e'lonlar

133-38-55, 133-47-80,

133-06-83 (Tel. Faks)

### VILOYAT

#### MUXBIRLARI:

Andijonda —

25-16-16

Buxoroda —

222-10-92

Gulistonda —

25-03-80

Jizzaxda —

5-49-85

Navoiyda —

3-39-20

Namanganda —

6-43-43

Nukusda —

222-70-12

Samarqandda —

35-20-54

Urganchda —

226-51-35

Farg'onada —

26-43-62

Termizda —

3-79-98

### MANZILIMIZ:

ZOOOOD, TOSHKENT,  
MATBUOTCHILAR  
KO'CHASI, 32-UY.

Navhatchi  
Behzod SHUKUROV

Gazeta «O'zbekiston  
ovozini» kompaniyasi  
markazida terildi va  
sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar  
Ikromjon ISMOILOV  
Elyor UBAYDULLAYEV

«Sharh» nashriyot-matbaa  
aksiyadorlik kompaniyasi  
bosmaxonasida chop etildi.

Korxonamanzili:  
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta «O'zbekiston  
Respublikasi Davlat  
Matbuot O'qimasi»  
00004-raqam bilan  
ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida,  
A-2 formatida bosildi.

Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi»  
materiallarini ko'chirib  
bosish faqat tahririyat  
ruxsati bilan amalga  
oshiriladi.

Г — 422

11547 nusxada bosildi

Topshirish vaqti — 21.00.

Topshirildi — 23.00

1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA